



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI BOShqARUVI
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI DAVLAT BOJXONA KЎMITASINING
QARORI**

Хорижий давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ҳамда транзит ўтиши учун йиғимларни ундириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Давлат божхона кўмитаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Давлат божхона кўмитасининг 2015 йил 12 июндаги 335-В, 02-02/12-26-сон қарори (рўйхат рақами 2694, 2015 йил 9 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 27-сон, 365-модда) билан тасдиқланган Хорижий давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ҳамда транзит ўтиши учун йиғимларни ундириш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

Тошкент ш.,
2018 йил “29” декабрь,
335-В-2-сон



М. Нурмуратов

Давлат божхона кўмитаси раиси

Тошкент ш.,
2018 йил “29” декабрь,
01-02/12-7-сон



М. Азимов

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқаруви ва
Давлат божхона қўмитасининг
2018 йил “29” декабр даги
335-B-2, 04-02/12-74-сон қарорига

ИЛОВА

**Хорижий давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси
худудига кирганлиги ҳамда транзит ўтиши учун йиғимларни ундириш тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимча**

1. 5-банддаги “Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқнома (рўйхат рақами 1831, 2008 йил 27 июнь)” деган сўзлар “Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга доир йўриқнома (рўйхат рақами 3028, 2018 йил 29 июнь)” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 11-банд куйидаги мазмундаги хатбошилари билан тўлдирилсин:

“Банк карталари орқали йиғимлар қабул қилинганда тўлов терминали квитанцияси (слип)нинг бир қисми маълумотномага тикилади, иккинчи қисми квитанция билан бирга мижозга тақдим қилинади.

Бундан ташқари, йиғимлар виртуал терминаллар (E-POS) ёки бошқа бирор электрон тўлов воситалари орқали қабул қилинганда, тўловчига электрон чек ёки тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи бирор бир электрон ҳужжат тақдим этилади.”.

3. Мазкур ўзгартириш ва қўшимча Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси билан келишилган.



Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Республика йўл жамғармаси
ижро этувчи директори ўринбосари

У.Р. Ходжаев

2018 йил “25” декабрь

